


«Ўзсаноатқурилишбанк» —



тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори

Хукуматимиз томонидан кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу орқали мулкдорлар сининини шакллантириш учун барча зарур шароитлар яратиб берилмоқда. Натijaда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнеснинг роли тобора ошиб бормоқда. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг кўни кеча бўлиб ўтган мажлисида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шуниси эътиборлики, акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки —

«Ўзсаноатқурилишбанк» республика-миздаги энг эски банклардан бири бўлиб, у тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Мамлакатимиздаги етакчи кредит муассасаларидан бири сифатида ушбу банк ҳам жомисоний, ҳам юридик шахсларга кенг молиявий хизмат кўрсатувчи ва банк операцияларини амалга оширувчи жамғарма кассалари ҳамда кенг филиаллари тармоқларига эгадир.

риллишбанк» Европа Тикла-ниш ва тараққиёт банки (ЕТ-ТБ)нинг кредит линияси ҳисобидан лойиҳавий молия-лаштиришни амалда синиб кўрмоқда. Бу ҳол ўз навбати-да Ўзбекистоннинг ишлаб чи-қариш потенциалини кенгай-тириш, тадбиркорлик фаоли-ятини ривожлантириш, ма-ҳаллий маҳсулот экспорт ҳаж-мини ошириш, иқтисодиёт-нинг турли тармоқларини мо-лиялаштириш ҳисобига аҳоли бандлигини кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Шуниси муҳимки, «Ўзсаноатқурилиш-банк» томонидан камиди 50 000 ва 1 000 000 АҚШ долларидан ошмаган кредитлар янги ишлаб чиқариш корхо-наси ташкил этиш ёки ма-вжудларини кенгайтириш учун жомисоний шахсларга берила-ди. Банкда кредит олиш учун аризалар кредитлаш соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган ва илгары АҚШ, Рос-сия ва Қозғистонда ишлаган ходимлар ва бош кредит мас-лаҳатчилари томонидан кўриб чиқилади. ЕТТБ билан ҳам-корликда молиялаштирилган лойиҳалар катарида шербат, концентрат ва жем ишлаб чи-қариш бўйича «Delkons» қўшма корхонаси, сабзавот ва мева-ларнинг замонавий ишлаб чиқариш бўйича «Журабек Лаборатори-ес ЛТД», плёнка қоплар иш-лаб чиқарувчи «Алпласт» ҚК,

Банк тизими

йиҳаларини имтиёзли кредит-лашга мўлжаллангандир. Ушбу жамғарма ҳисобидан жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида 1187,2 миллион сўм кредит ажратилди. Маъ-лумки, йирик корхоналардан фарқли равишда кичик ва ўрта корхоналар анча энгил ташкил этилади ва аҳолининг иш билан бандлигини оши-ради. Айни пайтда улар янги имкониятларга ва ўзгариш-ларга тез жавоб беради. Шу-нинг учун банклар томони-дан кичик ва ўрта корхо-наларни молиялаштириш ҳамда улар учун тадбиркорлик му-ҳитини яхшилаш муҳим омил саналади. Кичик ва ўрта биз-нес корхоналарининг валюта ресурсларидан фойдалана олишлари учун, мана, бир неча йилдирки, «Ўзсаноатқу-ри-

«Ўзсаноатқурилишбанк», шунингдек, иқтисодий қайта қуриш, янги банк структура-сини тузишда ҳам фаол иш-тирок этмоқда. У акциядор-лик манфаатини ҳимоялаш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, мижозлар билан ўзаро фойдали муносабатлар-ни ўрнаттишга асосланган мус-тақам позицияни изчил амалга ошираётир.

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан олиб борилётган кредит сёбати, айниқса, Ўзбекистонда ишончли кредит-лаш тизимини ташкил этиш имконини беради. Эн-диликда кичик ва ўрта биз-несни кредитлаш дастури то-бора ривожланиб бормоқда. Чунки кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувват-лаш сўзсиз «Ўзсаноатқури-лишбанк» фаолиятининг ус-тувор йўналишларидан сана-лади. Банк ўз маблаг ҳисо-бига кичик ва ўрта бизнесни ҳам миллий, ҳам хорижий ва-лятада муваффақиятли кредит-лаб келмоқда. Масалан, 2003 йилнинг 1 июль ҳолати-

га кўра, кичик ва ўрта бизнес субъектларига 7465,8 милли-он сўм миқдорда кредитлар ажратилган. Шундан инвести-ция лойиҳаларига ажратил-ган кредитлар 1654,1 милли-он сўмни ва микрокредитлар 1841,4 миллион сўмни таш-кил этади. Жорий йилнинг ўтган биринчи ярми мобай-нида жами ажратилган кре-дитларнинг 32% ёки 2351,1 миллион сўми саноатни ри-вожлантиришга, 16% ёки 1202,0 миллион сўми қишлоқ хўжалигига, 17% ёки 1306,3 миллион сўми қурилиш ва манший хизматга, 35% ёки 2606,4 миллион сўми халқ хўжалигининг бошқа тармоқ-ларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Республика ҳукуматининг кичик ва ўрта тадбиркорлик-ни ривожлантиришда тижорат банкларининг иштирокчи рағбатлантириш бўйича қаро-ри асосида банкда 5371,3 мил-лион сўм миқдорда имтиёз-ли кредитлаш махсус жам-ғармаси ташкил этилган бўлиб, у ишлаб чиқарувчи

шарикли ручка ишлаб чиқари-ш бўйича «Озёқ-овқат сав-до» масулияти чекланган жа-миятлар мавжуд. Булардан ташқари, тез орада бугунги қайта ишлаш бўйича «Вегад-Миско Ltd» қўшма корхона-си, қоп ишлаб чиқариш бўйича «Пекен-Чирчик», қоғоз стаканлар тайёрлаб берувчи «EXSELL» масулияти чек-ланган жамиятлар ҳам ўз фа-олиятини бошлади.

Шу билан бирга, хорижий шериклар ўртасида ҳам ма-ҳаллий тадбиркорлар билан қўшма корхоналар ташкил этишга катта қизиқиш пай-до бўлмоқда. «Ўзсаноатқу-рилишбанк»нинг молиявий ёрдамида АҚШ, Италия, Хи-той, Голландия мамлакатла-ри компаниялари билан қўшма корхоналар тузилган.

Айни чоғда «Ўзсаноатқу-рилишбанк»ка мамлакатим-изнинг турли минтақалари-дан кичик ва ўрта корхо-налар лойиҳалари бўйича ари-залар келиб тушмоқда. Ҳозирги пайтда банк полиз маҳсулотлари ва мева-чева-ларни қуриштириш, ветерина-рия препаратлари, плёнка қоплар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни кўриб чиқмоқда. Бундан буён ҳам банк ички ва ташқи бозорда доимий харидоригр бўлган товарлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлайверади.


Бозор иқтисодиёти шартинда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкор-лик қилмайдиган бирорта банкни тасаввур этиш қий-ин. «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам шу кеча-қунида Осие Тараққиёт банки ва Халқаро молия корпорациясининг янги кредит линияларини жалб этиш устида фаол иш-ламоқда.

Энг асосийси, банкнинг бутун фаолияти ва молиявий стратегияси ягона мақсадга — мамлакатимиз иқтисодиёти раванқига қаратилган бўлиб, бу борада аниқ режа асосида иш олиб борилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ «ЗАМОНАВИЙ ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР» ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

Хурматли 9-синф битирувчилари!



Сиз аниқ фанлар ҳамда замонавий инфорацион технологиялар бўйича чуқур билим ва малакаларга эга бўлишни хоҳласангиз бизнинг академик лицейимизда ўқишга шошилинг.

Академик лицей Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидagi академик лицей бўлиб, 2003/2004 ўқув йили учун аниқ фанлар йўналишида иқтидорли ўқувчиларни қабул қилади.

Академик лицейда назарий ва амалий машғулотларни Фанлар академияси илмий-техшириш институтларининг тажрибали, етакчи олимлари олиб борадилар.

Академик лицейга шаҳар, вилоят олимпиадаларининг голиблари танловсиз қабул қилинади.

МАНБИЛ: Тошкент ш., Ф.Хўжаев к., 34-уй, Кибернетика институти биноси.

МУЛЖАЛ: Академик шаҳарчаси, 83, 96, 129 — автобуслар, 9, 17, 18 — троллейбуслар ҳамда 6, 13 — трамвайларнинг «Академик шаҳарча» бекати.

ТЕЛЕФОН: 162-71-76.

ЭНГ МУҲИМИ — СОҒЛИК

АНДИЖОН (ЎзА мухбири Саид ШУКУРОВ). Андижон вилояти сил касалликлари диспансерида саломатлик ва соғлом турмуш тарзи мавзусига бағишланган кўргазма очилди. Уни жаҳоннинг 140 мамлакта-тида фаолият юритувчи АДРА халқаро ташкилотининг рес-публикамиздаги ваколатхонаси — АДРА-Ўзбекистон ташкил эти.

АДРА-Ўзбекистон мамлака-тимизда ўтган йилдан бери фа-

олият юритиб, аҳолининг тиб-бий саводхонлигини ошириш билан шуғулланади. Бундай кўргазмалар республиканинг қатор шаҳарларида ўтказилди. Унга ташриф буюрганлар са-ломатликни сақлаш тўғрисида фойдали маълумотларга эга бўдилар.

— Самимийлик, тўғри дам олиш, тоза ҳаво, сабр-қаноят, кўёш нури, сув, баландтарбия ва тўғри овқатланиш — ушбу саккиз омил кўп жиҳатдан ин-

сон соғлигини белгилайди, — дейди шифокор Лариса Кова-ленко. — Масалан, нерв ҳужай-раларининг сақланиши тўғри нафас олишга боғлиқ, 8-10 да-қиқалик кислород етишмовчи-лиги ҳужайранинг нобуд бўли-шига олиб келади. Бунга йўл қўймастик учун тўғри нафас олишни ўрганиш керак.

Кўргазмага ташриф буюрган-ларга сўров варақасини тўлдир-иш таклиф этилди. Ҳар бир иштирокчи варақаси компьютер орқали таҳлил этилади ва мута-хассислар унга асосланиб, те-гишли тавсиялар беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 июндаги 209-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси патент божларини қуйидаги реквизитларга эга блок-рақамга ўтказиш лозимлигини маълум қилади:

Х/Р № 20203000700124532003 Ўз.Р ТИФ Миллий банкининг Бош амалиёт бўлими, МФО 00407, ИНН 200555277.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИГА 2003/2004 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Академияда 4 та факультет фаолият кўрсатади:

- а) банк иши факультети;
- б) молия факультети;
- в) солиқ иши факультети;
- г) банк, молия ва солиқ раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш факультети.

Мутахассислар тайёрлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кундузги таълим шаклида амалга оширилади.

Банк иши, молия ва солиқ иши факультетларида юқори малакали мутахассислар қуйидаги ихтисосликлар бўйича тайёрланади:

- а) банк иши факультети:
 - пул муомаласи ва монетар сёбасат;
 - инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилиш ва молиялаштириш;
 - банк менежменти, актив ва пасивларни бошқариш;
 - халқаро молия бозорларидаги операциялар;
 - банк аудити;
- б) молия факультети:
 - давлат молиясини бошқариш;
 - қимматли қоғозлар ва фонд бозори;
 - сугурта иши;
 - молия аудити;
- в) солиқ иши факультети:
 - солиқлар ва солиққа тортиш.

Факультетларга тингловчилар олий таълим муассасасини тугатгандан сўнг, республика банк, молия ва солиқ муассасаларида камиди икки йиллик иш стажига эга бўлган шахслардан саралаб олинади. Назарий ўқув курсини муваффақиятли тугатган тингловчилар Ўзбекистон Республикаси ва чет эллардаги етакчи банк, молия ва солиқ муассасаларига тажриба орттириш учун юбориладилар ва танланган ихтисослик бўйича магистр унвони олиш учун диссертация ҳимоя қиладилар.

Академиянинг ўқув дастурини муваффақиятли ўтаган битирувчиларга давлат намунасидаги магистр дипломи берилади.

Академиянинг малака ошириш факультетида тингловчилар банк-молия ва солиқ тизимининг амалиётчи раҳбар ходимларидан қабул қилинади. Ўқиш муддати 3 ойгача бўлиб, банк-молия ва солиқ ишлари бўйича асосий курсларни ўқиш, шунингдек етакчи банк, молия ва солиқ муассасаларида тажриба орттириш ҳам шунга қиради. Малака ошириш факультетини битирганларга белгиланган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 2 майдаги Фармонига мувофиқ академия фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари халқаро банк ва молия ишларидаги энг янги ютуқларни ўқитиш йўли билан банк, молия ва солиқ ишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, банк-молия тизимидagi раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, мамлакатимизнинг молия-кредит ва солиқ тизимини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишдан иборатдир.

Академия Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий-сёсий ҳаётини ривожлантиришнинг замонавий талаблари ҳамда давлат таълим андозалари, жаҳон ва миллий банк-молия фани ва амалиёти ютуқларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган режа ва дастурлар асосида ўқув ва таълим фаолиятини амалга оширади.

Академиядаги чет тилларни ўрганишнинг чуқурлаштирилган ўқув ва факультатив дастури тингловчиларнинг таълимни тугатганда чет тилларидан бирини амалда тўлиқ билишларини таъминлайди.

Ўқув жараёни, илмий ва амалий тадқиқотларни юксак даражада ташкил этиш ва олиб бориш учун етакчи халқаро молия институтлари ва жаҳон тижорат банкларининг маслаҳатчилари, экспертлари ва мутахассислари жалб этилади.

нусхадagi гувоҳнома берилади.

Академияда ўқишни муваффақиятли битирган тингловчилар орасидан республика банк, молия ва солиқ муассасаларида раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш учун заҳира тузилади. Академияни юқори рейтинг кўрсаткичлари билан битирганлар молия, банк ва солиқ тизимлари учун бошқарув бўғини раҳбар кадрларини танлашда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Тингловчилар академияга қабул комиссияси томонидан қабул қилинади. Қабул комиссиясининг таркиби Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ва Ўзбекистон банклари ассо-

2. Академия белгиланган ўринлар меъёрига мувофиқ банк иши факультетига 40 нафар, молия факультетига 40 нафар, солиқ факультетига 20 нафар тингловчи қабул қилади.

3. Ҳужжатлар 2003 йил 4 сентябрдан қабул қилинади. Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- банк, молия, солиқ муассасалари раҳбарларининг тавсияномаси;
- ариза;
- олий маълумот ҳақидаги

- дипломнинг асл нусхаси ва баҳолар иловаси;
 - кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси;
 - меҳнат дафтарчасидан кўчирма;
 - №086 шаклдаги тиббий маълумотнома;
 - 4х6 см. ўлчамли 6 донга рангли фотосурат.
- Паспорт ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат бевосита кўрсатилади.

4. Академиянинг банк иши, молия ва солиқ иши факультетларига кирувчилар учун 2003 йил 2 сентябрдан 7 сентябргача кириш имтиҳонлари юзасидан консултациялар уюштирилади.

5. Имтиҳон синовлари 2003 йил 9 сентябрдан 17 сентябргача компьютер тестлари ва чет тилдан суҳбат орқали ўтказилади.



Тест синовлари муайян ихтисослик ва фанлар блоклари бўйича ўтказилади:

- а) банк иши факультети учун:
 - бозор иқтисодиёти асослари, банк иши, банк ҳуқуқи, пул муомаласи, халқаро валюта-кредит муносабатлари, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, банк менежменти ва маркетинг, банк статистикаси;
- б) молия факультети учун:
 - бозор иқтисодиёти асослари, молия ва кредит, молия ҳуқуқи, молиявий менежмент, қимматли қоғозлар бозори ва биржа иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, сугурта иши, молия статистикаси;
- в) солиқ иши факультети учун:
 - бозор иқтисодиёти асослари, молия ва кредит, солиқ ҳуқуқи, корхона ҳужалик фаолиятининг таҳлили, солиқлар ва солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, молия статистикаси.

Академияга кирувчилар демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари бўйича тест синовларидан ҳамда чет тиллардан суҳбатдан ўтадилар. Тест синовлари ўзбек ёки рус тилларида ўтказилади.

6. Конкурс танлови академиянинг қабул комиссияси томонидан рейтинг тизими бўйича тест синовлари ва суҳбат натижалари асосида (ихтисослик йўналиши ва дарс ўтиш тиллари бўйича алоҳида) ўтказилади.

7. Ўқиш даврида тингловчиларнинг асосий иш жойларидаги ўртача иш ҳақлари сақлаб қолинади. Бошқа шаҳарлардан келганларнинг йўл ҳақлари, шунингдек, ётоқхона ҳақи йўлланма берган ташкилотлар зиммасига юкланади.

Хорижий тингловчилар шартнома (битим) асосида ўқитилади. Шартнома (битим) тузиш шартлари, ўқиш учун тўлов ҳақининг миқдори ва муддатлари академиянинг қабул комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Банклар ассоциацияси билан келишилган ҳолда белгиланади.

8. Қабул комиссиясининг қарори 2003 йил 23 сентябрдан кечикмай эълон қилинади ва у тингловчилар ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқаришга асос бўлади.

9. Ўқиш 2003 йил 2 октябрдан бошланади.

Манзил: Тошкент ш., Яқуб Колас кўчаси, 16-уй. Телефон: 68-66-84, www.bfa.re.uz E-mail: bfa@online.ru

